ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ТРАНСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ

Равшан Йўлдошевич Маҳаммадалиев
Чирчиқ давлат педагогика институти

Адҳам Абдуғаниевич Ниязов
Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Тошкент иқтисодий районида автомобил ва темир йўл транспортининг тарихи, ўрни ва аҳамияти, ҳозирги кундаги ҳолати таҳлил этилиш билан бир қаторда, иқтисодий районда транспорт тармоқларининг ривожланишига сабаб бўлган факторлар қайд этилган . Шунингдек иқтисодий райондаги мавжуд саноат шаҳарлари ва қишлоқ хўжалик туманларини ўзаро боғлаб турувчи автомобил йўллари тадрижий баён этилган. Айниқса, мақолада иқтисодий районнинг асосий шаҳри ҳисобланган Тошкент шаҳри мисолида автомобил, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали боғланган маҳаллий(шаҳар атрофи ва шаҳарлар) ва хорижий шаҳарларга тўхталган.

Калит сўзлар: ўтказувчанлик қуввати, логистика хизмати, юк ташиш, логистика, иқтисодий район, юк ташиш ҳажми, умумфойдаланиладиган йўллар, саноат тугуни, йўловчи ташиш.

TRANSPORT GEOGRAPHY OF TASHKENT ECONOMIC REGION

Ravshan Yuldashevich Mahammadaliev
Chirchik State Pedagogical Institute

Adham Abduganievich Niyazov
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This article analyzes the history, place and importance of road and rail transport in the Tashkent economic region, the current state, as well as the factors that led to the development of transport networks in the economic region. Also, the highways connecting the existing industrial cities and agricultural districts in the economic zone are gradually described. In particular, the article focuses on local

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

(suburban and urban) and foreign cities connected by road, rail and air, with the example of Tashkent, the main city of the economic region.

Keywords: capacity, logistics service, freight, logistics, economic region, freight volume, public roads, industrial hub, passenger traffic.

КИРИШ

Мамлакатимиз ҳудудининг ҳар бир қисми географик ўрнининг бетакрорлигидан, биринчи навбатда, табиий шароити ва бойликлари, аҳолининг меҳнат фаолияти ҳамда турмуш тарзининг ўзига хослиги шаклланган. Иқтисодиёт, асосан, жойнинг маҳаллий бойликларига боғлиқ равишда ривожланган.

Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси ҳам меҳнатнинг географик тақсимланиши асосида ихтисослашувига кўра бир-биридан фарқ қилувчи ҳудудлар –иқтисодий районларга бўлинади. Мамлакатимизда Тошкент, Мирзачўл, Фарғона, Зарафшон, Жанубий ва Қуйи Амударё иқтисодий районлари ажратилади.

Иқтисодий районнинг ривожланганлик даражасини унда қандай ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари(ҲИЧМ) мавжудлиги ва қай даражада шаклланганидан билиш мумкин.

Зеро иқтисодий географиянинг энг муҳим хусусиятларидан бири бу ҳудудийлик ва ихтисослашувдадир.

Ҳар бир иқтисодий район ўзининг географик ўрни, фойдали қазилмалари, аҳолисининг салоҳияти, рельефи, саноат корхоналарининг жойлашуви ва транспорт йўналишларининг зичлиги ҳамда хилма-хиллигидан келиб чиқиб миллий иқтисодиётнинг у ёки бу соҳаси нисбатан ривожланганлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга шундай иқтисодий районлар борки, уларда миллий иқтисодиёт тармоқларининг деярли барчаси юксак ривожланган бўлади.

Шундай иқтисодий районлардан бири Тошкент иқтисодий районидир.

Тошкент иқтисодий райони Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан иборат бўлиб, мамлакатимиз ЯИМда иқтисодий район улуши 24,6 % (2017 йил маълумоти)ни қайд этган ҳолда 1-ўринни эгаллаган.

Тошкент иқтисодий районида миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари(нефт ва табиий газдан ташқари)каби транспорт тизими ҳам юқори даражада ривожланган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

Мамлакатимиз аҳолисининг 1/5 қисми истиқомат қилаётган мазкур иқтисодий районда 1930-1940 йилларда автомобил йўлари вужудга келган, асфальт ва тош йўллар қурилган.

Тошкент вилоятида темир йўлларнинг умумий узунлиги 360 км ни, халқаро аҳамиятга молик автомобил йўллар 400 км ни(Тошкент шаҳри билан), давлат аҳамиятига молик автомобил йўллари 1241 км ни, маҳаллий аҳамиятга молик автомобил йўллари 2324 км ни, жами 3965 км ни такил қилади.

Ўзбекистонда XX аср бошларига қадар от-улов асосий транспорт воситаси бўлган. 1901 йилда Тошкентда конка-тор темир йўл изида от судрайдиган бир вагонли дастлабки шаҳар транспорти, 1912 йилда 1-трамвай ишга туширилган. 1947 йилдан Тошкентда троллейбус қатнай бошлаган.

Тошкент иқтисодий районида пойтахт Тошкент шаҳри жойлашганлиги сабабли бу районда трасnпорт географияси тарихи бошқа районларга нисбатан эртароқ вужудга келган. Республика ҳаво транспорти-фуқаро авиацияси тарихи 1920 йиллардан бошланган. 1924 йил 20 майда узунлиги 800 км бўлган Тошкент-Авлиёота(Жамбул)-Пишпак(Бишкек)-Олмаота маршрутида дастлабки йўловчи ташиш рейси амалга оширилган. 1930 йилдан Тошкент-Москва йўналишида самолётлар мунтазам қатнай бошлаган. 1932 йилда Тошкентда аэропорт қуриб ишга туширилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Иқтисодий район ҳудудида дастлабки темир йўл 1890 йилгача Тошкентдан Андижонга қадар, шу билан бирга 1895-1897 йилларда Урсатевск(Ховос) станциясидан Қўқонгача давом эттирилган темир йўл ҳозирги Бекобод шаҳри ўрнидаги Хилково станциясидан ўтиб кетган. 1905 йилда эса Тошкент-Оренбург оралиғида темир йўл қурилган.

1895-1897 йилларда Урсатевск(Ховос) станциясидан Қўқонгача давом эттирилди.


Тошкентдан Термизгача бўлган масофани боғлаб турувчи Катта Ўзбекистон трактининг ҳозирги кунда узунлиги 724 км бўлиб, шу йўналишда ўтган карвон йўллари милоддан аввалги V-асрдан маълум бўлган. Мазкур йўл иқтисодий районда жойлашган ва мамлакат пойтахти бўлган Тошкент шаҳрини йўналишдаги кўплаб вилоятлар билан боғлайди. Тарихан мазкур йўналиш 19-асрнинг 2-ярмидан бошлаб Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан «Уезд – почта йўли» номи билан аталган. 1930-йилларда автомобилларнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

кўпайиши муносабати билан йўналишда йўлдан фойдаланиш хизмати ташкил этилди ва йўлни реконструкция қилиш ишлари олиб борилди. 1940–41 йилларда тракт ҳашар йўли билан қайта қурилди. 20-асрнинг 2-ярмида реконструкция ишлари олиб борилиб, бетон-плита қопламлари ётқизилган. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб трактнинг айрим қисмлари халқаро аҳамиятли магистрал автомобиль йўлларига бўлиниб кетган.

1959 йилда 248 кмни ташкил этувчи Тошкент-Ангрен-Қўқон автомобил йўлининг қурилиши билан иқтисодий район Фарғона водийси билан боғланди. Бу йўл Қурама тоғидаги Қамчиқ(890 м) ва Резак(368 м) тонелларидан ўтади. Мазкур йўл орқали Тошкентдан Фарғона водийсига ташиладиган юклар, темир йўлда ташиладиган юкларга қараганда 3-4 баравар тез етказилади. Мустақиллик йилларида Тошкент-Ангрен-Қўқон йўли қайта қурилиб, жаҳон талаблари даражасидаги халқаро йўлга айлантирилди. 119 км ли бўлган Тошкент-Чиноз-Гулистон автотрассаси мамлакатда биринчи даражали йўл ҳисобланади. Тошкент –Ангрен, Тошкент-Чорвоқ ҳамда Мирзачўлни кесиб ўтган Тошкент-Сирдарё-Жиззах темирйўлларининг аҳамияти катта.

Тошкент иқтисодий райони ҳудудидан ўтган Гулистон-Оҳангарон автомобил йўлининг ҳам аҳамияти катта. Мазкур йўл мамлакатнинг шимолий ва шимоли-ғарбий ҳудудларини Фарғона водийси билан боғлайди ва транспорт оқимини сезиларли даражада қисқаришига хизмат қилади. Мазкур йўл Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Бўка ва Пскент туманлари ҳамда Олмалиқ шаҳри орқали ўтиши иқтисодий район учун аҳамиятлидир. Бу йўл Оҳангаронда Тошкент-Ўш трассаси билан уланади ва Қамчиқ довонига чиқиш имкони беради. (1-расм)



1-расм.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

Иқтисодий райондаги мавжуд темир йўлларни электрлаштириш борасида ҳам ишлар амалга оширилди. Жумладан 345 км узунликдаги Тошкент-Самарқанд, 66 км узунликдаги Тошкент Хўжакент ва 115 км узунликдаги Тўқимачи-Ангрен темир йўл линиялари элекрлаштирилди.

Иқтисодий район орқали амалга оширилган энг муҳим ишларлдан бири денгиз сатҳидан 2200 м баландликдаги Қамчиқ довони орқали ўтувчи Ангрен-Поп темир йўлидир. Мазкур йўлнинг умумий узунлиги 123,1 км бўлиб, шундан 19,2 м Қамчиқ тоннелдан ўтади. Мазкур йўл халқаро доирада Хитой-Ўрта Осиё-Европа темир йўл транзит коридорининг муҳим қисми ҳисобланади.

Тошкент иқтисодий районида 2014 йилда ташкил этилган “Ангрен логистика маркази” АЖ нинг фаолияти ҳам унинг транспорт салоҳиятини ошишига хизмат қилмоқда. “Ангрен логистика маркази” АЖ юкларни сақлаш, ортиш-тушириш, тез ва сифатли ташиб бериш, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этган ҳолда юк операцияларини амалга оширади. “Ангрен логистика маркази” АЖ Эрон, Россия, Хитой портлари орқали Жанубий-Шарқий Осиё йўналишида экспедиция қилиш хизматларини ҳам кўрсатади.

НАТИЖАЛАР


Иқтисодий районда жойлашган Тошкент шаҳри мамлакатнинг асосий транспорт тугуни ҳисобланади. Тошкентдан шаҳар атрофидаги йўналишларга, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари ҳамда хорижий мамлакатлар шаҳарларига автомобил, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали йўналишлар мавжуд.

Масалан электрлаштирилган темир йўл орқали Тошкент шаҳри (Жанубий вокзал)дан Тошкент-Сирдарё-Гулистон-Ховос, Тошкент-Бекобод(йўналишида Янгийўл, Пахта, Олмазор, Чиноз, Сирдарё, Гулистон, Янгиер, Ховос, Фарход станциялари), Тошкент-Ангрен(йўналишида Тойтепа, Озодлик, Оҳангарон, Облиқ станциялари), Тошкент-Салор-Ялонғоч-Ходжикент йўналишларида йўловчилар ташилиши амалга оширилади. (2-расм)

Тошкентдан нафақат шаҳар атрофидаги ҳудудларга балки мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига ҳам темир йўл транспорти орқали қатновлар амалга оширилади. Масалан, “Тошкент” темир йўл вокзалидан Бухоро(“Афросиёб”,”Шарқ”), Самарқанд, Қарши(“Афросиёб) ва Андижон шаҳарларига қатновлар йўлга қўйилган. Пойтахтнинг Жанубий темир йўл вокзалидан эса Термиз-Андижон, Бухоро-Андижон, Хива-Андижон, Нукус-Андижон йўналишлари ўтса, Тошкент-Қўнғирот, Тошкент-Урганч, Тошкент-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

Термиз, Тошкент-Хива, Тошкент-Шовот, Тошкент-Олот йўналишлари бошланади.



2-расм.

Шу билан бирга Тошкент шаҳридан такси хизмати орқали мамлакатнинг деярли барча шаҳарларига йўналишлар йўлга қўйилган.

“Тошкент” автовокзалидан Сирдарё, Гулистон, Жиззах, Самарқанд ва Навоий шаҳарларига, “Абу Сахий” (Палма дарахтлари олдидан)бозоридан Андижон, Бухоро, Наманган, Нукус ва Фарғона шаҳарларига, бозорнинг “Монитор” олдидан Зарафшон, Қарши, Навоий, Термиз, Урганч ва Шаҳрисабз шаҳарларига, “Қўйлиқ” бозоридаги қурилиш моллари мажмуасидан Ангрен, Оҳангарон, Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳарларига, “Тошкент” темир йўл вокзали олдидан Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳарларига таксилар хизмати мавжуд.

Тошкент шунингдек шаҳар атрофидаги аҳоли пунктларига 106 та йўналиш орқали боғланган. Бу йўналишлар “Пахтакор” метро бекати, “Чорсу” бозори, “Фарҳод” бозори, Жанубий темир йўл вокзали, “Тошкент” автовокзали, “Отчопар” бозори, “Ўрикзор” бозори, “Истиқлол” кўчаси, Юнусобод тумани, “Шахристон” метро бекати, “Уч қахрамон” бозори, “Қўйлиқ” бозори ва бошқа кўплаб нуқталардан амалга оширилади.

Тошкент шахридан мамлакатнинг Бухоро шаҳрига(602,8 км), Гулистон шаҳрига(119 км), Денов шаҳрига(646 км), Зомингa(194 км), Зарафшон шаҳрига(632 км), Қоракўлга(664,3 км), Қарши шаҳрига (507 км), Қўнғирот

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

шаҳрига (1197,6 км), Қизилтепага(513 км), Навоий шаҳрига(495,1 км), Нукус шаҳрига 1125,6 км, Самарқанд шаҳрига(330,9 км), Термиз шаҳрига(655 км), Узун туманига(696 км), Урганч шаҳрига(1055 км), Фориш туманига(238 км), Хатирчи туманига(449,3 км), Хива шаҳрига (970,1 км) ва бошқа шаҳарларга йўналишлар амалга оширилади. Шунингдек хорижий мамлакатлар шаҳарлари бўлган Қарағанда орқали Нур-Султонга(1646 км), Чимкентга(145 км), Олма-Отага(818 км), Бишкек шаҳрига(601 км), Хўжанд шаҳрига(178 км), Еттисойга(104,1 км), Қизилўрдага(583 км), Туркистонга(335 км), Тарозга(331 км), Хоргосга(1170 км), Петропавлоскка(2125 км), Қозонга(2500 км), Нижный Новгородга(3000 км), Москвага (3439 км), Санкт-Петербург(4113 км), Омскга(2660 км), Новосибирскка(2445 км) қатновлар мавжуд.

Тошкент шаҳри мамлакатимизнинг бош “ҳаво дарвозаси” сифатида кўплаб хорижий давлатлар шаҳарларига самолётлар қатнайди. Жумладан, Лахор, Киев, Пекин, Урумчи, Тель-Авив, Краснодар, Истанбул, Минск, Дубай, Москва, Санкт-Петербург, Бишкек, Франкфурт, Нью-Йорк, Олма-Ота, Сочи, Тел-Авив, Сеул, Шаржа, Дубай, Екатеринбург, Рига, Лондон, Шарм-Ал-Шайх, Новосибирск, Қозон, Душанбе, Париж, Қобул, Рим, Олма-Ота, Ростов на Дону, Кранодар, Боку, Уфа, Урумчи, Бишкек, Деҳли ва бошқа шаҳарлар билан ҳаво транспорти орқали боғланган.

Шунингдек ҳаво транспорти орқали юк ташиш географияси хам анчагина кенгайиб бормоқда. (3-расм)




(3-расм)

Иқтисодий районда автомобил ва темир йўлларнинг қурилиши, қувур йўналишлари ва электр тармоқларининг тортилиши иқтисодий районда таркиб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

топган саноат районлари ва саноат марказларини ўзаро боғлаш, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги маҳсулот алмашинувини тезлаштириш, аҳолини иш ва ўқиш жойларига боришларига қулайлик яратиш мақсадида юзага келган.

Иқтисодий районда вужудга келган Тошкент-Чирчиқ, Тошкент-Янгийўл, Ангрен-Олмалиқ саноат районлари ҳамда Бекобод саноат тугунлари транспорт географиясининг шаклланишига таъсир қилган. Тошкент-Чирчиқ, Тошкент-Янгийўл саноат районларининг ўзаги Тошкент шаҳри бўлиб, унинг таркибига Чирчиқ, Янгийўл саноат тугунлари ҳамда Ғазалкент, Пскент, Нурафшон, Чиноз, Келес каби кичик ва ўрта шаҳарлар киради. Ангрен-Олмалиқ саноат районининг ўзагини эса Олмалиқ ва Ангрен саноат тугунлари ташкил этади. Унга Оҳангарон, Янгиобод каби шаҳарлар ҳам киради.(4-расм)



4-расм.


МУҲОКАМА

Тошкент вилояти ҳудудидан Халқаро аҳамиятдаги М-34 "Тошкент-Душанбе"автомобил йўлининг 60 км и, М-39 Олмата-Бишкек- Тошкент-Шахрисабз- Термез йўлининг 65 км и, М-39б Тошкент халка йулининг 67 км и, А-373 “М39 автойули- Гулистон-Бука-Ангрен- Кукон ва Андижон оркали-Уш” йўлининг 163 км и, А-373а "М39 а/й-Гулистон- Бука-Ангрен-Кукон ва Андижон оркали-Ош- Тошкен шахрига шахобча" йўлининг 45 км и ўтган. Шу билан бир қаторда давлат аҳамиятидаги 4Р-1а 4Р-1б, 4Р-1в, 4Р-1г, 4Р-1д, 4Р-3, 4Р-4, 4Р -4а, 10 4Р - 5 4Р -5а, 4Р – 6, 4Р -6а, 4Р -6б, 4Р -6в, 4Р -6г, 4Р -6д, 4Р - 7, 4Р -7а 4Р – 8, 4Р - 9 , 4Р 4Р -10а, 4Р -10б, 4Р -11, 4Р -12, 4Р -12а, 4Р -12б, 4Р -12в, 4Р -14, 4Р -15, 4Р -16, 4Р -17б, 4Р -17в, А373 4Р -18б, 4Р -19 4Р, 4Р -20а, 4Р -21, 4Р- 22, 4Р -22, 4Р -23а, 4Р -23б, 4Р -23в, 4Р -23г, 4Р -24 4Р, -24а 4Р -26 , 4Р -

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

26б, 4Р -184, 4Р -186, 4Р -187, 4Р -252, 4Р -253, 4Р -254 ва 4Р -255 йўллари мавжуд булиб бу йўлларнинг умумий узунлиги 1241 кмни ташкил этади. Шунингдек 303 та маҳаллий йўналишларда шаҳар ва туманлар билан боғланилган.

Иқтисодий районнинг ўрнини умумфойдаланиладиган қаттиқ қопламали автомобиллар йўллар узунлиги бўйича Республикадаги улуши Тошкент вилоятида 9,5 фоиз эканлигидан, минтақалар бўйича юк ташиш ҳажми кўрсаткичларининг ўсиши бўйича эса Тошкент вилояти 17,6 фоиз ҳамда Тошкент шаҳри 11,9 фоиз га тенг эканлигидан ҳам билиш мумкин. (5-расм).



5-расм. **Минтақалар бўйича юк ташиш ҳажмининг кўрсаткичлари, % д**

Темир йўллар узунлиги бўйича Тошкент вилоятининг умумфойдаланиладиган темир йўллар узунлиги эса йиллар кесимида тақдим этилмоқда. (6-расм.)

Минтақалар кесимида умумфойдаланиладиган темир йўллар узунлиги (км)

	Йиллар				
	1990	2000	2010	2015	2017

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

Ўзбекистон Республикаси	**3462,0**	**3471,5**	**4227,2**	**4237,5**	**4641,9**
Қорақалпоғистон Республикаси	475,0	503,5	844,3	844,3	921,0
Вилоятлар:					
Тошкент	363,0	363,8	348,8	364,6	391,0

6-расм

ХУЛОСА

Тошкент иқтисодий райони қулай транспорт-географик ўрни, юқори демографик салоҳияти, саноатнинг шаклланган таркиби ва йирик агломерацион тузилмалар мавжудлиги ҳисобига нисбатан юқори даромадга эгаси бўлишига олиб келди. Ундан ташқари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятлари Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг кўп қисми амалга ошириладиган ўзига хос дарвозаси эканлиги ушбу районда Транспорт логистика тизимларнинг жадал ривожланишининг асосий шарт-шароитлари эканлигини таъкидлаш жоиз.

Тошкент иқтисодий райони транспортида автомобил йўлларининг (айниқса туманларни боғловчи) носозлик ҳолатлари учраб туриши, йўлларнинг ўтказиш қуввати пастлиги, торлиги, аксарият йўлларда йўлларни ажратиб турувчи тўсиқларнинг қўйилмаганлиги, йўл инфратузилмаси талаб даражасида эмаслиги каби муаммолар ҳам мавжуд.

Мазкур ҳолатларни бартараф этиш учун дастлаб иқтисодий район имкониятларини тўлиқ ўрганиб, таҳлил қилиб чиққан ҳолда йўл инфратузилмасини яхшилаш, ўтказувчанлик қобилиятини ошириш учун йўлларни кенгайтириш, таъмирталаб йўлларни тизимли равишда таъмирланишини амалга ошириш, йўл қурилиши ишларини ҳудуднинг рельефини ва тупроқ қатламини, иқлимини тўлиқ ўрганган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

REFERENCES

1. Саттаров Абдисамат Умиркулович, Намозов Джурабек Абдуазизович, Раджабов Фуркат Туракулович. (2021 год). Влияние пастбищного животноводства на сельскохозяйственные угодья Самаркандской области. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology* , *25* (2), 447–451. Получено с http://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/969

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

2. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.
3. Oybek Uralovich Abdimurotov (2021). "YEVROSIYO MATERIGI"NI O'QITISHDA "KEYS STADI" METODIDAN FOYDALANISH USULLARI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 377-382. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00048
4. Akbar Orolovich Shernaev (2021). Geografiya darslarida "geografik sayohat usuli" dan foydalangan holda darslarni tashkil etish. Academic research in educational sciences, 2 (1), 370-376. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00047
5. Sherzod Ibroim O'Gli Ibroimov, & Saida Zunnunovna Mirzarahimova (2021). GEOGRAFIK NOMLARNING YOZILISHI VA TRANSKRIPSIYASI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 789-798. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00100
6. Lobar Vohidovna Djurayeva, & Muhammadbek Norbek Ogli Berdiqulov (2021). Umumiy o'rta ta'lim maktablarida geografiya fanini o'qitishni yanada rivojlantrish. Academic research in educational sciences, 2 (1), 128-132. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00017
7. Джумабаева, С. К. (2020). География фанини ўқитиш методикаси фанини ўқитишда ноанъанавий методларнинг ўрни ва аҳамияти. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
8. Равшан Йўлдошевич Маҳаммадалиев, & Гулчеҳра Абдуллаевна Ешимбетова (2021). География фанини ўқитишда модулли таълим технологияси. Academic research in educational sciences, 2 (2), 779-785. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00261
9. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
10. Shernaev, A. O. (2020). Geografiya darslarini o'qitishda atlas va xaritalar bilan ishlash texnologiyalari. Academic research in educational sciences, (4), 657-662.
11. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Актути Араповна Туйчибекова (2021). Бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятида мулоқот маданияти ва психологиясини шакллантириш усуллари (табиий фанлар мисолида). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 456-471.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00463

12. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЁТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
13. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера Тянь-Шаня в зоне отдыха Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 15.03.2021).
14. Jurayeva, L. V., & Yeshinbetova, G. A. (2020). NOZOOGEOGRAFIK VAZIYATNI YAXSHILASHNING IJTIMOIY-IQTISODIY VA EKOLOGIK MUAMMOLARNI O'RGANISH PRINSIPLARI. Academic research in educational sciences, (4), 630-638.
15. Sharipov Shavkat Mukhamajanovich, Shomurodova Shahnoza Gayratovna, Gudalov Mirkomil Ravshanovich (2020) THE USE OF THE MOUNTAIN KARS IN THE TOURISM SPHERE IN CORT AND RECREATION ZONE OF CHIMGAN-CHARVAK. Journal of Critical Reviews, 7 (3), 475-481. doi:10.31838/jcr.07.03.87
16. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Гулчехра Курдашевна Юсупова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 370-378.
17. Равшан Йўлдошевич Маҳаммадалиев, & Адҳам Абдуғаниевич Ниязов (2021). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 707-720. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00255